



ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Истиқлол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадри улуғланадиган муҳим тарихий санага айланди.

Миллионлаб инсонлар умрига завола бўлган, юзлаб шаҳару қишлоқларга вайронагарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртидан олисларда кечган беаёв жангларда жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорат ва матонати, фронт ортида тунларни тонгларга улаб меҳнат қилган, сўнгги нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўрган ҳамюртларимизнинг фидойиликлари қалбларда мангу яшайди.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабрбардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муноса-

бати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Жангларда қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳр-

ланган “Хотира китоби”нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг нафар ўзбек фарзандларининг жасоратидан сўзлайди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, — деди Ислон Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир ин-

сон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этганини инобатга оладиган ва улар қаторига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам нимани тасдиқлаб беради?

Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга

қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевоқиф иштирок этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эслан чиқармаслиги керак.

Шу маънода бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини бугунги ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллатимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганларни эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш — муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Эзгулик, савобли ишлар бесамар кетмайди, деди Президентимиз. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак. Бу халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

(Давоми 2-бетда).



ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсдан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ кўшнилари билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз, деди Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятни тинчтиши бўйича позициямиз аниқ ва равшан: яъни, бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Жафокаш афғон халқининг шунча йил давомида

кўрган азоб-уқубатларини, бугунги оғир аҳволини инobatга олиб, авваламбор, вайрон бўлган иқтисодни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элатларни бири-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин.

Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётганидан, ўйлайманки, халқимиз яхши хабардор, деди Ислоҳ Каримов.

Мамлакатимиздаги тинч-

лик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, деди Президентимиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман:

Сиз, азизларим, биз бош-

лаган ишларнинг давомчилиги сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият куришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-гурурланиб яшашимиз зарур.

Ёшларимизнинг ғайратшижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан гурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекис-

тоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

...Хотира майдонига қадам қўйган кишини ўтмиш ҳаёлотини чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мурасам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу кунни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА мухбири.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ РАМЗИ



Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигида республика ИИБ раҳбарияти, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ички ишлар идоралари фахрийлари пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюришди.

Улар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, хизмат чоғида ҳалок бўлган сафдошлари ва марҳумлар хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани қўлга ки-

ритишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам жасорати ва хизматлари беқиёс бўлган. Уларнинг жасорати ва мардликлари туфайли шундай дорил-амон, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган юртда яшаймиз. Фаровон ҳаёти-

миз учун ўз жонларини қурбон қилган аждодларимизни хотирлаш, тирикларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, бошимиз ерга теккунича таъзим бажо келтириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Тадбир сўнггида ИИБ Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари раҳбарлари ҳамда бир гуруҳ фахрийлар пойтахтимиздаги «Чигатой» қабристонида дафн этилган ички ишлар идоралари ходимлари қабрини зиёрат қилишди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан руҳлантириш яхши анъанага айланиб қолган. Бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини ҳам уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Айниқса, ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган 207 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов номидан зарҳал ҳарфлар билан битилган эсдалик табрикномалари ҳамда вазирлик номидан қимматбаҳо совға-саломлар тайёрланди.

ҚУТЛУҒ КУНДАГИ ТАШРИФ

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов, ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник Р. Фахрудинов, ИИБ ШТБИХ катта инспектори, подполковник Ҳ. Ҳожихонов ва бошқа масъул ходимлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ногиронларининг уйларига ташриф буюриб, Хотира ва қадрлаш кунини билан табриклаб, совға-саломлар топширдилар. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — истеъфодаги генерал-майор-

лар Тилла Абдуллаев, Шарип Ҳасанбоев, истеъфодаги полковниклар Тўхтасин Ибрагимов, Урол Мардиев, Икрам Атабеков, Василий Мокринский, Виталий Шульман ҳамда Фарида Девятваларнинг хонадонларига бориб, уларни ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан қутлаб, эсдалик совғаларини топширдилар.

Бундай ҳурмат-эҳтиром учун уруш қатнашчилари ва ногиронлари ИИБ раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Ўз мухбиримиз.

АСАР КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Тошкент шаҳридаги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда марказ раҳбарияти, ўқитувчи-бошлиқлар таркиби, тингловчилар ва курсантлар иштирок этди.

Анжуманга ИИБ Академиясидан иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, подполковник Ш. Рустамов таклиф этилгани тадбир илмий жиҳатдан асосли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Очиқ мулоқот ва савол-жавоблар асар моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

М. РАЗЗОҚОВ,
майор.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Хотира ва қадрлаш. Бу эгизак тушунчалар инсон ақлаковатининг бетакрор маънавий неъматидир, яшашнинг, тирикликнинг азалий мезонларидир. Зотан, қалби меҳр-муҳаббат, саховат, эзгуликка тўла инсонгина ўз тарихини, Ватан учун жон фидо этган аجدодларини доимо хотирлайди ва мана шундай тинч, осойишта дориламон кунларга шукрона айтиб, нурли истиқбол йўлида меҳнат қилаётган фидойиларнинг қадрига етади. Мархумларни хотирлаган, қарияларни эъзозлаган, тарихни улуғлаган ва ёшларни аجدодлар аънаналарига содиқ этиб тарбиялаган миллатнинг йўли ойдир, келажаги порлоқ бўлади. Хотира ва қадрлашдек юксак туйғулар барқарор жойда инсонпарварлик, меҳр-муруват фазилатлари жўш уради.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар билан бирга боқий ва бетакрор қадриятларимизни тиклашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини мамлакатимизда инсон хотираси ва қадрига берилает-

ларимиз хавфсизлиги учун жонини қурбон қилган Ватан посбонларининг жасоратларини ёрқин хотиралар билан эслаймиз.

Ёшларда ўтганлар хотирасига таъзим бажо этиш, тирикларни эъзозлаш, қадрлашдек ажойиб фазилатлар туғилаётгани айниқса, қувонарлидир.

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги муҳташам «Истиқлол» санъат саройида халқимиз тинчлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан «Номинг дилларда мангу» деб номланган хайрия концерти ўтказилди.

... Соат 18.30. Муҳташам са-

кунини байрам концертини томоша қилиш учун йиғилганлар Ўзбекистон халқ артисти З. Бойхонова, Республикада хизмат кўрсатган артистлар – М. Ҳакимов, Р. Комилов, Ю. Абдуллаева, Р. Холиқов, Г. Мамазоитова, О. Назарбеков ҳамда «Ўзбекистон ёшлари» гуруҳи ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи, инсон хотирасини улуғловчи дилрабо куй ва қўшиқларни эшитиб, мириқиб ҳордиқ олишди.

– Инсон хотирасини ёд этиш, ўтганлар руҳига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятларимизда муҳим ўрин тутди, – дейди республика ИИБ ШТБХ бошлиғи

– Аввало, ҳозирги тинч ва осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин, – дейди ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги генерал-майор Т. Абдуллаев, – шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан хотира ва қадр тушунчаларининг улуғланиши, ўтганлар хотирасини ёд этиш, тирикларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, тарихий хотирасиз келажак йўқ эканлигини ёш авлод онгига синдириши каби эзгу ишлар ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Биз каби фахрийларга эҳтиром кўрсатилаётганидан мамнунмиз. Концерт дастурига келсак, менга жуда ёқди. Маза қилиб дам олдим. Унинг ташкилотчиларига катта раҳмат!

– Гувоҳи бўлганингиздек, концерт дастурида эл севган санъаткорлар, ҳарбий-бадийий жамо-

аларнинг хушовоз хонандалари ҳамда машҳур эстрада юлдузларининг Ватанни мадҳ этувчи, хотирага бағишланган қўшиқлар ижро этилди, – дейди республика ИИБ Ашула ва рақс ансамбли раҳбари, лейтенант Учқун Тиллаев. – Шундай улуғ айём кунлари мухлисариимизни хурсанд қилиш биз, санъаткорлар учун катта шараф.

Дарҳақиқат, инсон хотирасиз яшай олмайди, бир-бирини қадрламай туриб камолга ҳам етолмайди. Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилганларни ҳамиша ёдимизда асрашимиз, уларнинг жасоратларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шунингдек, айна пайтда орамизда, сафимизда соғсаломат, бардам яшаётган уруш қатнашчиларини, фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» муҳбири.

Суратларда: байрам концертидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

НОМИНГ ДИЛЛАРДА МАНГУ



ган эътиборнинг яққол ифодаси бўлаётир. Бу кун барчамиз элим деб, юртим деб, Ватанни ҳимояси учун, элу юрт бахти учун кўксини қалқон қилиб, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси олдида яна бир бор таъзим қиламиз. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган заҳматкаш ота-болаларимизнинг матонатига таҳсинлар айтаемиз. Терроризм деган балою офатни даф этишда эл-юрт осойишталиги, фуқаро-

Бундан ўн йил муқаддам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май Хотира ва қадрлаш кунини сифатида мамлакатимизда кенг нишонлана бошлади. Эндиликда айём муносабати билан жойларда бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари, хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимлар оила аъзолари билан учрашувлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

рой фойесига мамлакатимиз Қуроли Кучлари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат Божхона хизмати ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятлари ақс этган суратли лавҳалар бу ерга ташириб буюрганларнинг диққатини тортарди. Юзларида табасум балқиб турган Ватан ҳимоячилари, қўлларига гул кўтарган инсонлар тадбир бошланишини интизорлик билан кутмоқда.

Ниҳоят концерт бошланганини билдирувчи куй янгради. Дастлаб қўшма оркестрлар ижросидаги мусиқа янгради. Шу

ўринбосари, полковник З. Неъматов. – Ушбу қўлғу айём кунларида фахрийларимиз, отахон ва онахонларимиз, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини зиёрат қилиш, қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш гоят хайрли ишдир. Бугунги хайрия концертидан тушган маблағ сизу бизнинг тинч-осойишта ҳаётимиз учун жондан кечган ҳамкасбларимизнинг оилаларини моддий қўллаб-қувватлашдек савобли ишга сарфланиши фикримизнинг яққол далилидир.



ТАЙИНЛАНДИЛАР

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Талат Субханович САТТАРОВ.

Талат Субханович Саттаров 1955 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1977 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ кичик инспектори лавозимидан бошлаган. 1982–1994 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ инспектори, Транспортдаги ИИБ Тошкент аэропорти ИИБ ЖҚБ инспектори, тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлима бошлиғи, 1994–2009 йилларда Транспортдаги ИИБ ЖҚБ бўлим бошлиғи, ЖҚБ бошлиғи ўринбосари, Сирдарё шаҳар-туман ИИБ бошлиғи, Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, Наманган вилояти ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Собиржон Рихсибоевич ТАДЖИЕВ.

Собиржон Рихсибоевич Таджиев 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ППХ милиционер лавозимидан бошлаган. 1989–2009 йилларда Транспортдаги ИИБ Шумилов бекати тармоқ ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Тошкент-Товарна тармоқ ИИБ ВЕИН инспектори, Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ ИЖҚБ тезкор вакили, ЖҚБ тезкор вакили, Шумилов тармоқ ИИБ ВЕИН инспектори, Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЖТСБ инспектори, ТИБ катта инспектори, Транспортдаги ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, Транспортдаги ИИБ бошлиғи ўринбосари, биринчи ўринбосари – ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Ботир Анварович ТОШМУҲАМЕДОВ.

Ботир Анварович Тошмуҳамедов 1955 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ махсус комендатурасининг катта инспектори лавозимидан бошлаган. 1983–1999 йилларда Бекобод шаҳар ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, ИИБ бошлиғининг ўринбосари, республика ИИБ ЖТСБ инспектори, катта инспектори, бўлим бошлиғи, Бекобод шаҳар ИИБ, Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, 1999–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика ва ЖТСБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, ИИББ Штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари, ТИБ бошлиғи ўринбосари, жанговарликни таъминлаш маркази бошлиғи, ИИББ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Вали Адизович НАРЗИЕВ.

Вали Адизович Нарзиев 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Бухоро вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1997–2009 йилларда Бухоро вилояти Вобкент тумани ИИБ ЖҚГ катта тезкор вакили, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Пешку тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Мақсетбай Худайбергенович ҚАЛИМБЕТОВ.

Мақсетбай Худайбергенович Қалимбетов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қорақалпоғистон Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ИИБ участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Чимбой тумани ИИБ ДАНБ ЙПХ катта инспектори, маъмурий амалиёт бўйича инспектор, ДАНБ бошлиғи, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Тахтақўпир тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Чимбой тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



КАДР

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

ХОРАЗМ вилояти ИИБда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган ички ишлар идоралари ходимларига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйишдан бошланди. Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Ибрагимов тадбирга ташриф буюрган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини байрам билан самимий қутлади. Тантанали кечада бошқарма раҳбарияти томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мувофиқ 120 минг сўмдан пул мукофоти ҳамда вилоят ИИБнинг эсдалик совғалари топширилди.

Худойберган **ЖАББОРОВ**, «Постда» мухбири.

ЖИЗЗАХ вилояти ИИБда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бўлиб ўтган тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Чиноз Шерматов, Мели Одилов ҳамда фронт ортида машаққатли вазифаларни бажарган Очил Маликов, Незмат Усанов, Жиянали Тулегенов, Урдуш Қодировлар тақлиф этилди.

Тантанали тадбирда фахрийларнинг урушда ва урушдан кейинги йилларда юрт осойишталиги йўлида амалга оширган фидокорона хизматлари тўғрисида сўз юритилди. Ички ишлар вазирининг уруш қатнашчиларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Фахрийларга байрам совғалари топширилди. Шундан сўнг бошқарма раҳбарияти, шаҳар ва туман ИИБ фахрийлар кенгаши аъзолари томонидан вилоят ИИБ ҳовлисидаги Ёдгорлик мажмуаси пойига гулчамбарлар қўйилди. Эл тинчлиги йўлида хизмат қилиб, ҳаётдан кўз юмган ходимларнинг порлоқ хотиралари ёд этилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ, майор.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзлари бугун юртдошларимиз дилида даъват бўлиб янграмоқда. Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтганлар руҳини ёд этиш ва тириклари қадрлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу кунларда мазкур сана муносабати билан ички ишлар тизимидаги идора ва муассасаларда ҳам халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда шахсий таркибни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашда хизматлари сингган ички ишлар идоралари фахрийла-

ри ва устозларнинг ҳурмати-ни жойига қўйиш борасида қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Республика ИИБ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ана шундай хайрли тадбирлардан

МАРКАЗДА ТАНТАНА

бири бўлиб ўтди. Ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан марказ фаолиятини такомиллаштириш ва ёш ходимларни ажодларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялашда беминнат ҳисса қўлган фахрийларга атаб байрамона дастурхон ёзилди.

Шундан сўнг марказ стадионида икки авлод — фахрийлар ва ички ишлар тизимида эндигина иш бошлаб, марказда касб сир-асрорларини ўзлаштираётган тингловчилар йиғилишди. Улар учун ташкил этилган катта концерт дастури олдидан

республика ИИБ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази бошлиғи, подполковник О. Ҳасанов ва фахрийлар номидан марказнинг собиқ раҳбари, истеъфодаги полковник Б. Эрматов сўз олиб, тадбир иштирокчилар-

рини Хотира ва қадрлаш куни билан қутлашди. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, таниқли қизиқчи Мирзабек Холмедов ва эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар, ичакузди латифалар тантанада йиғилган ёшу қарига бирдек манзур бўлди.

Ўтганларнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, қариялари қадр топаётган юртдан ҳеч қачон қут-барака аримайди. Бундай эзгу анъаналар келгуси авлодлар томонидан ҳам давом эттириладиганини зеро, қадр кўрсатган қадр топади.

Норали **ОЧИЛОВ**, лейтенант.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Хива шаҳрида «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг назарий асослари ва амалий аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Хоразм вилояти ИИБ ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ходимлари иштирок этган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки Фонди ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Машғулотларни Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки Фонди экспертлари Славомир Цибульский ва Богна Хмелевскалар олиб боришди. Иштирокчилар инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган халқаро микёсдаги қонунлар, уларнинг ижроси ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишди. Мавзуга оид қисқа метражли ҳужжатли фильм ва видеолар намоиш этилиб, кўргазмалар ташкил қилинди.

Семинар-тренингда иштирок этган республика ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Абдуғофур Сатторов ўз фикри ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз мухбиримиз.

Бухоро шаҳрида ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ҳамда Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида «Инсон ҳуқуқларининг назарий асослари ва халқаро стандартлари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Инсон

ҳуқуқлари бўйича Хельсинки Фондининг экспертлари тақлиф этилган тренингда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари ИИБ ходимлари қатнашди. Улар уч кун давомида муҳокама этилаётган масала юзасидан маърузалар тинглаб, амалий машғулотларда иштирок этишди.

— Давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар инсон ҳуқуқларидир, — деди тренинг иштирокчиси, Самарқанд вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Хайрулло Бобоқулов. — Тренингда давлат томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, Европа халқаро ҳуқуқлар институтларига қандай тартибда мурожаат этиш борасида маълумотлар берилди. Шунингдек, халқаро конвенциялар, меъёрий ҳужжатлар намуналари билан танишдик. Инсон ҳуқуқи билан боғлиқ ҳар бир ҳолат атрофида ўрганиб чиқилди.

Ҳаким **ҲАМРОЕВ**, подполковник.
Рўзигул **ЙЎЛДОШЕВА**.

ҚУТЛОВ

ЎН ЙИЛ БИР САФДА

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан «Yong'in xavfsizligi» — «Пожарная безопасность» журнали таъсис этилганга ўн йил тўлди. Ҳозирда салкам етти минг нусхада чоп этилаётган мазкур нашр ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни ёритишга ихтисослашган. Шу боис, унда соҳа ходимлари фаолияти, республикамиз халқ хўжалиги масканларида ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизимидаги илмий-

амалий ва техник фаолият йўналишидаги мавзуларга кенг ўрин берилмоқда.

Мақолаларни тайёрлашда журналистларга республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, бошқа олий ўқув юртинининг мутахассис-олимлари яқиндан ёрдам беришяпти. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари, ташкилот, корхона ва муассасалар ходимлари ҳам ёнғин офатининг олдини олиш бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

— Олдимизга қўйилган мақсад битта, — дейди журнал бош муҳаррири **Р. Аблязис**. — У ҳам бўлса халқи-

миз моддий-маънавий бойликлари, хонадонлар, фуқароларни ёнғиндан муҳофаза қилишда республика ИИБ ЁХББ ва унинг жойлардаги бўлинмаларига яқиндан қўмақлашишдан иборат. Ижодий жамоа бу вазифани муваффақиятли удаламоқда.

Куни кеча нашрнинг ўн йиллиги муносабати билан тахририят ходимлари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ ЁХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник И. Юлдашев, Ёнғин хавфсиз-



лиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М. Собиров, Ўзбекистон Ёнғин ўчириш амалий спорти федерацияси ижрочи директори, истеъфодаги полковник Р. Хусанов ва бошқалар иштирок этиб, журналистларни қутлуғ сана билан табриклашди ҳамда эсдалик совғалари топширдилар.

Улуғбек **ВАФОВ**.

АМАЛИЁТ

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Республика ИИБ Академиясининг Гулистон шаҳар ИИБда амалиёт ўтаётган тингловчилари ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши

курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фаол иштирок этдилар.

Содир этилган жиноятларни фош этишда олган сабоқларини тўғри қўллаб, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиб, бурчини виждонан адо этган, жиноятларни «иссиқ изи» дан очишда фаоллик ва жонбозлик кўрсатган тингловчилар Гулистон шаҳар ИИБнинг мақтов ёрлиғи ва ташаккурнома билан тақдирландилар.

Н. ЙЎЛДОШЕВ.
Суратда: амалиёт раҳбари, капитан **Шароф Кулматов** тингловчиларга йўриқнома бермоқда.

Муаллиф олган сурат.



ТАЖРИБА — ҲАЁТ МАКТАБИ

Жиззах шаҳар ИИБ мажлислар залида вилоятда амалиёт ўтаётган ИИБ Академиясининг 20 нафар битирувчи курс тингловчиларининг ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, бугунги кунда нафақада бўлган бир гуруҳ фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган ушбу тадбирда бугунги кунда Жиззах шаҳар ИИБ ходимлари томонидан осойишталикни таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар, вазифалар ва уларни бажаришдаги масъулият тўғрисида сўз юритилди. Фахрийлар ўзларининг ҳаётининг тажрибалари тўғрисида гапириб беришди.

Б. БАҲОДИРОВ.

АЗМУ ҚАРОР ҚИЛДИК

Мен республика ИИБ Академиясида жиноятларнинг олдини олиш фаолияти йўналиши бўйича таҳсил оламан. Шу кунларда курсдошларим С. Каримов, М. Абдулпатаев, А. Максимова, А. Полатовлар билан пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ИИБ ҲООбда иш ўрганиш амалиётини ўтаётимиз. Ушбу жараёнда шунга амин бўлдики, ҳақиқатан ҳам назарий амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ва уйғун бўлиши керак экан. Иш ўрганиш асосида жиноятларнинг олдини олиш фаолияти биз ўйлагандан ҳам кўра қизиқарлироқ ва масъулиятлироқ эканлигини ҳис этдик. Бизга профилактика катта инспектори, майор Даврон Сапаев, профилактика инспектори, майор Агзам Абдураззоқов соҳанинг сир-асрорларини эринмай, сабр-тоқат билан ўргатишга унун улардан миннатдоримиз.

Ҳадемай амалиёт тугаб, давлат имтиҳонлари бошланади. Курсдошларим билан имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, мутахассислик дипломини қўлга киритиб, мустақил фаолиятга йўлланма олган, устозларнинг ишончини оқлаб, жиноятларнинг олдини олиш йўлида бор билимимизни, куч-гайратимизни ишга солашимиз, деб азму қарор қилдик.

Нодирбек **ФАЙЗИЕВ**, республика ИИБ Академияси 4-ўқув курси тингловчиси.

РЕПОРТАЖ

ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ



Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, республика ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ҳар йили кўплаб курсантлар таълим олиб, ички ишлар идораларнинг турли соҳавий хизматларига йўлланма оляптилар.

Республика ИИБ Академияси ўқув полигонидан Олий курслар курсантларининг ички ишлар идоралари ходимлари қасамёдини қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўқув полигонининг саф майдони. Курсантларнинг ота-оналари, яқинлари, биродарлари ҳаяжон билан тадбир бошланишини кутишяпти. Майдонда саф тортган йигитларнинг чеҳрасида мамнунлик, фахр ва ҳаяжон сезилади. Чунки бугун улар Ватан, халқ олдида қасамёд қилиб, юртда тинчлик, осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун бутун куч-қуввати, билимини сарфлаш, керак бўлса жонини фидо қилишга онтичишади.

Тадбир бошланди. Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов, ИИБ Академияси бошлиғи, полковник А. Якубов ва меҳмонлар минбарга кўтарилдилар. ИИБ Академияси Сержант-

лар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари бошлиғи, полковник С. Тангирбердиев вазири ўринбосарига шахсий таркибнинг қасамёд қабул қилиш тантанасига сафлангани ҳақида ахборот берди.

Тантанани ИИБ Академияси бошлиғи, полковник А. Якубов кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётгани, шу боис Олий курсларда ички ишлар идоралари учун малакали сержантлар тайёрланаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг қасамёд қабул қилишга киришилди. Йигитлар бирин-кетин Ватанга, халққа содиқ бўлишга қасамёд қилдилар.

Қасамёд қабул қилиш тугагач, республика Ички иш-

лар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов сўзга чиқиб, курсантларни вазирилик раҳбарияти номидан самимий табриклаб, Олий курсларда ўтиладиган машғу-

лотларни пухта ўзлаштирган ҳолда касб сирларини эгаллаб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, фуқаролар ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда сизнинг қатъий қарорингизни кутамиз.

Ўқитувчилар номидан подполковник Зокир Умаров, ота-оналар номидан Машхура Олимова сўзга чиқиб, бугунги кутлуг кун билан йигитлар ва курсантларни қизгин кутладилар.

– Ватан, халқимиз бизга ишонч билдирган экан, Олий курсларда билимларни пухта эгаллаб, ички ишлар идораларининг фидойи,



матонатли, жасур, ҳушёр ходимлари қаторида бор маҳоратимизни юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида сарфлашга онтичдик, – дейди курсантлар номидан сўзга чиққан Равшан Ибрагимов.

Курсантларнинг ота-оналари, яқинлари қўлларида гулдаста билан уларни табриклашга ошиқишади. Кувончдан кўзларида ёш, ҳаяжондан энтикиб ўғлини бағрига босиб турган аёл ўзини Жиззах вилояти Бахмал туманидан Дилбар Жўраева деб таништириб, шундай деди:

– Ёлғиз ўғлим Турғунбой Жўраев болалиқдан ички ишлар ходими бўламан, деб ният қиларди. Коллежни битириб, ҳужжатларини мана шу даргоҳга топширганда бир севингандим. Бугун ўқитилган қаторида қасамёд қилганини кўриб, бошим осмонга етди. Биз оналар учун фарзандлар ўз йўлини топиб, эл корига яраса, катта бахт. Буларга билим берадиган ўқитувчи, устозлари омон бўлишсин!

– Неварам Муроджон ички ишлар идорасида ишлайман,

деб туриб олди, – дейди алпқомат йигитларга ўзгача меҳр-муҳаббат билан қараб турган, ўзини Ёдгор Миробидов деб таништирган кекса отахон. – Ота-онаси хушрўйлик бермаганди. Бу катта савобли иш, юрт тинчлиги учун хизмат қилган кам бўлмади, деб оқ фотиҳа бердим. Ўқишга кирибди, бугун қасамёд қабул қилишини эшитдим-у, ўзим кўриб бир кувонай деб келдим. Ахир йигит омон бўлса, қўрган беҳатар дейишадик. Илоҳим ҳаммалари саломат бўлсин.

– Акам, Нуриддин Кўчқоров қасамёд қабул қилляпти, – деди Нишонбой кўзлари кувнаб. – Жуда ҳавасим келяпти. Мен ҳам коллежни битириб, шу ўқишга кирман, ички ишлар идораларида хизмат қиламан.

Тантанадан кейин курсантлар ва меҳмонлар учун дастурхон ёзилди. ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонадалари ихросида куй ва кўшиқлар янгради.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

АБУ КЕНЖАЕВ олган суратлар.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2009»

ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Маълумки, яқин кунларда Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари – 2009» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтади. Тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида намунали жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнғин ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят, ҳуқуқбузарлик ҳамда тартибузарлик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида вилоят ИИБда зарур чоратадбирлар белгиланиб, уларнинг ижросини назорат қилиш ва ахборотлар алмашиб туриш учун ишчи гуруҳи тузилган.

«Умид ниҳоллари – 2009» спорт мусобақалари ўтказиладиган объектларни махсус текширувлардан ўтказиш, ички ишлар идоралари томонидан кўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун қабул қилиб олинган, тадбир қатнашчиларини кутиб олиш, тадбирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, спорт мусобақаларининг бориши ва тадбир иштирокчиларини доимий яшаш жойларига кузатиш вилоят ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ. Сирдарё вилояти.



Суратда: «Умид ниҳоллари – 2009» ишчи гуруҳи раҳбари, подполковник Ҳабиб Чўпанов ҳамда гуруҳ аъзолари, капитан Абдуҷаббор Абдуллаев (ўнгда) ва капитан Азиз Зоиров амалга оширилиши лозим бўлган ишларни режалаштирмоқдалар. Муаллиф олган сурат.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» Республика Бирлашмасида ўт ўчириш бўйича амалий ўқув машғулотлари ўтказилди. Режага асосан маъмурий бинонинг 1-қаватида ёнғин чиққанлиги тўғрисида марказий навбатчилик қисмига хабар берилди.

ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА БЎЛСА...

Навбатчи ёрдамчиси, катта сержант Раҳимхўжа Юсуфхўжаев дарҳол бу ҳақда мазкур ҳудудга хизмат кўрсатувчи Миробод тумани ИИБ ЁХБга маълум қилди. Бир пайтнинг узида бирлашмада ёнғин чиққани ҳақида тафтиш сигнали чалинди. Ёнғин ўчирувчилар келгунча кўнгилли ўт ўчириш гуруҳи ёнғинни ўчириш мосламалари ва тутундан ҳимоялаш воситаларини ишга тушириш, хоналарга ёнғин тез тарқалишининг олдини олиш, юкларни ташишга мўлжалланган мосламалар, асбоб-ускуналар ишини тўхтатиш, хом ашё, газ ва буг коммукацияларини ёпиб қўйиш каби вазифаларни бажариб, хоналар, жиҳозлар ҳамда ходимларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришди.



Хабар берилган вақтдан беш-олти дақиқа ҳам ўтмай воқеа жойига етиб келган Миробод тумани ИИБ ЁХБ 5-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми 1,2-бўлинмалари ёнғин ўчирувчилари дарҳол ишга киришиб, жанговар тайёргарликларини намоян қилишди. Саъй-ҳаракатлар туфайли ёнғин тезда бартараф этилди. Бунда бирлашма кўнгилли ўт ўчириш гуруҳининг тезкор ёрдами жуда асқотди.

Тадбир сўнггида 6-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи, капитан Ё. Рузиқулов машғулот иштирокчиларига ёнғин офати руй берганда ёнғин ўчириш воситаларини қандай ишлатиш кераклиги тўғрисида тушунча бериб, амалий жиҳатдан курсатиб берди.

АБУ КЕНЖАЕВ. Суратларда: ўқув машғулотлари пайти. Муаллиф олган суратлар.

ҲАМИША АРДОҚДАСИЗ, АЗИЗЛАР!

Хоразм вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши ҳамда ИИБ тергов ҳибсхонаси раҳбарияти Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги катта сержант Ҳусин ота Саидов хонадонига ташриф буюришди.

ҲҲСИН ОТАНИНГ ҚУВОНЧИ



Урушнинг суронли йилларини бошидан кечирган Ҳусин ота Саидов 1947 йилда Урганч шаҳар ИИБга хизматга қабул қилинди. Касбига садоқатли бу сергайрат ходим узоқ йиллик фаолияти давомида вилоят ИИБнинг хўжалик бўлимида, тергов ҳибсхонасида сидқидилдан хизмат қилди. У ўз хизмат фаолияти мобайнида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда самарали меҳнат қилди. Кўплаб шогирдлар етиштирди.

– Вилоят ИИБ раҳбариятидан, ҳамкасбларимдан ҳамда шогирдларимдан ниҳоятда мамнунман, – дейди Ҳусин ота Саидов. – Улар тез-тез хонадонимизга ташриф буюриб, дилдан суҳбатлашишади, маслаҳат олишади. Ҳар бир ташрифи кўнглимга аллақандай ёруғлик

олиб киргандай бўлади. Ҳаётим мазмунига айланган касбимдан, қадрдон бўлиб қолган ҳамкасбларимдан жуда миннатдорман.

Яқинда табаррук 85 ёшни қаршилаган Ҳусин ота Саидов билан суҳбатлашар эканмиз, ҳаётини юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга бахшида этган бундай меҳридарё инсонлар билан ҳақли равишда фахрланасак арзийди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

Суратла: Хоразм вилояти ИИБ тергов ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари, майор Фарҳод Отажонов Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги катта сержант Ҳусин ота Саидов билан суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Бугунги кунда Наманган вилояти ички ишлар идорасига хизматга қираётган ёш ходим ўз фаолиятини бошқарма ҳовлисидаги бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилишдан бошлайди. Қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган музей билан танишув ҳам зиммадаги масъулиятни ҳис этишда муҳим аҳамият касб этапти. Шунингдек, уларни Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялашда фахрийларнинг ўрни катта бўлмоқда.

Ҳозирда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши ўз таркибига 2846 нафар табаррук инсонларни бирлаштирган. Улар сафида 6 нафар уруш қатнашчиси бор. Вилоят ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши томонидан фахрийлар, ногиронлар ва

беморлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ҳамда маънавий кўмак берилмоқда. Боқувчисини йўқотган оилалар ҳаётидан бохабар бўлиш ва бу хонадонлардаги фарзандлар баркамол вояга етишига кўмаклашиш ҳам доимий эътиборда.

ФАХРИЙЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан фахрийлар ҳам ички ишлар идораларига баҳоли қудрат, ёрдам кўрсатишяпти. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган 500 нафардан ортиқ киши жойлардаги милиция таянч пунктларига бириктириб қўйилган. 30 нафарга яқин фахрий эса қишлоқ ва маҳалла фуқаролар

йиғинлари раиси ҳамда маҳалла посбонлари сардори вазифасини бажармоқда.

Эл-юрт орасида ҳурмат қозонган, истеъфодаги подполковник Муҳаммад Салимгариев, истеъфодаги майорлар Саидмамад Нуриллаев, Пулат Марилов, Мамажон Расулов, Раҳматали Маҳмудов ҳамда Аҳмаджон Абдуллаевнинг ҳаёт йўли ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда. Улар ёш ходимлар билан учрашувларда урушдаги оловли йиллар, ундан кейинги фаолиятлари ва бой тажрибалари хусусида ҳикоя қилиш билан бирга мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан ва халқ манфаати учун хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини ўқитишяпти.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

ҲҲРМАТ-ЭҲТИРОМ КҲРСАТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририятида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан ходимларни йўқлаб туриш аянанага айланган. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида ҳурмат ва эътиборга лойиқ собиқ ходимлар Ҳамидулла Абдуллаев, Революция Ҳасанова, Николай Чурсинов, Нина Бабина, Шаҳзода Худойбердиева, Марғуба Ақромова, Қурбон Атажонов, Мухтор Мирзаев, Леонид Кияшқолар тахририятга таклиф этилди. Уларнинг тахририят фаолиятидаги хизматлари эътироф этилиб, пул мукофотлари топширилди. Фахрийлар бу ҳурмат-эътибор учун тахририят раҳбарияти ва жамоасига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: тахририят фахрийлари.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ҳали қарилликни бўйнига олмаган, кичик жуссали, ҳар бир нарсага эътибор билан қарайдиган Камол ота Шамсиевни нафақат Қарши шаҳридаги Харамжой маҳалласи аҳли Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қолаверса, халқ посбони сифатида ҳурмат қилади. Бу йил 85 ёшни қаршилаган ота-хон ҳали бардам, бақувват, хотираси тийрак. Ўсмирлик, ёшлик дамларини яхши эслайди.

– 1940 йилда Қарши ўқитувчилар билим юртини тамомлагач, икки йил Чирокчи туманидаги 7-ўрта мактабда бошлангич синф ўқувчиларига дарс бердим, – хаёлга толди Камол ота. – 1942 йил йигирманчи сентябрь кўни уйга келсам армияга чақириқ қоғози келган экан. Онамдан дуо олиб, мен ҳам дўстларим қатори урушга кетдим. Уфа шаҳрига етиб борганимизда бепоён галлазорда фақат аёллар ўроқ ўриб, ёнғиндан омон қолган бошоқларни йиғарди. Биз аскарлар эса уларни аравага ортиб, омборга элтардик.

1943 йилнинг куз ойларида душманнинг ҳаракатлари тобора кучайиб борарди. Шунда бизни фронт ортидан жангга жўнатишди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўрмондаги қор жуда қалин, ҳаддан ташқари совуқ бўлгани учун траншеяда жон сақлаймиз. Душманнинг самолётлари тепамизда тинимсиз учади. Бош кўтарсанг омон қолмайсан. Олдимизда Днепр дарёсини кечиб ўтишдек жанговар топшириқ турарди. Тун ярмида буйруққа кўра, дарё томон эмаклай бошладик. Муз устида кукрак билан сирпаниб, нариги қирғоққа ўтишимизга бир баҳя қолганди. Аксига олиб, душманлар ўққа тутишни бошлашди. Қирғоққа ет-

ганимизда ўнг кўлимга ўқ тегди. Кўзимни очсам тепамда кекса рус аёли турган экан. Ўнг кўлимни кўтарай, десам қимир-

МАЗМУНЛИ УМР СОҲИБИ

ламайди. Ўша аёл мени қайқда Днепрнинг нариги қирғоғига олиб ўтди. Дарёда сув эмас, қипқизил қон оқарди... Согайиб чиққач, сафдошларим ёнига қайтдим. У кунларни биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин.

Сурхондарё вилояти ички ишлар идораларида хизмат вазифаси ва бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат кўрсатган ходимлар кўплаб топилди. Улардан бири Термиз шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими маси взвод командири, кичик сержант Акбар Эсонов эди. У Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчиларга қарши кураш чоғида ҳалок бўлган эди.

... Акбарнинг болалиги Термиз шаҳрида ўтди. Ёшлигидан тиришқоқ, билимга ва ҳаётга чанқоқ, меҳрибон ва қатъиятли бўлиб камолга етди. Отаси Жаббор ака ўглининг ўқитувчи бўлишини истарди. Аммо Акбар яқин қариндоши майор А. Гадошоев каби ички ишлар ходими бўлишни орзу қиларди. Шу тариқа Термиз шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционерлигидан хизмат фаолиятини бошлади. Бир муддат ўтиб уни взвод командиригига тайинлашди, кичик сержант унвони олди.


Ушанда кичик сержант А. Эсонов ва унинг хизматдош дўстлари зиммасига гоёта масъулиятли вазифа юклатилганди. Ватанимиз мустақиллиги ва халқимиз осойишталигини кўра олмаган бир гуруҳ қабиҳ ниятли кимсалар Сариюсиё тумани тоғли ҳудудларига ўрнашиб олиб, мустақиллигимизга раҳна солиш, беқарорлик келтириб чиқаришни кўзлаб ҳаракат қилишаётганди. Кичик сержант Акбар Эсонов ҳам хавфли гуруҳга қарши курашга отланади. Ички ишлар ходимлари олдида жангарилар йўлига ғов қўйиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш турарди. Ана шундай масъулиятли вазифани бажариш чоғида Акбар Эсонов ҳалок бўлди.

Ўғли Аҳбор ота касбини танлаган. У айна пайтда пойтахтдаги «ЖАР» ССМ ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда ўқияпти.

Эл-юрт, Ватан манфаати ҳамма нарсадан устун. Бу йўлда кимки ҳалол, виждонан хизмат қилса, унинг эзгу ишлари ҳеч қачон унутилмайди.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ, «Постда» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

ҚАЛБИМИЗДАСИЗ!



... Эсимда, ўшанда ҳам баҳор кезлари эди. Самарқанд вилояти ИИБнинг бир гуруҳ ходимлари билан у кишининг хонадонига бордик. Табаррук 82 ёшга тўлганларига қарамай, Хидир бобо руҳан ёш, ғайратли эдилар. Бизни кўриб беҳад қувондилар. Ҳа, йиллар беҳафқат. Ҳозир бу ажойиб инсон орамизда йўқ. Аммо унинг ёрқин хотираси ҳамон қалбларимизда яшамоқда.

... 1934 йилнинг ёзи. Хидир мактабдан хурсанд кайтди. Қўлидаги етти йиллик мактабни тугатганлиги тўғрисидаги шаходатномасини ва аъло ўқиганлиги учун берилган мақтов ёрлигини гуруҳ билан отасига узатди. Даврон ака бениҳоя таъсирланиб кетди. У фарзандини елкасидан кучиб: «Ўғлим, саводсиз одамни бамисоли сўқирга ўхшатишди. Шу гапим эсингда бўлсинки, сенга таълим-тарбия берган устозларингни ҳеч қачон унутма. Халқ олдида қарздор эканингни доимо ёдингга тут», деди. Хидир Давиров муаллим бўлишни, болалар қалбига эзгулик уруғи экишни орзу қиларди. Шунинг учун мактабни битиргач, Самарқанд педагогика техникумига

ўқишга кирди. 1938 йил сентябрида Х. Давиров яна Пастдаргом туманидаги кадрдон мактаби остонасини хатлаб ўтди. Фақат бу гал ўқитувчи сифатида. Аммо бор-йўғи бир йилгина дарс беришга улгурди, холос. 1939 йилнинг кузида қавмқариндошлари, дўстлари,

Венгрия шаҳарларини озод қилиш учун олиб борилган жангларда иштирок этди.

Уруш тугагач, киндик қони томган қишлоғига қайтган Хидир Давировни туман ички ишлар идорасига ишга таклиф қилишди. У ҳеч иккиланмай рози бўлди. Фаолиятини участ-

масъулиятли лавозимларда ишлади. Хизмат фаолиятининг сўнгги ўн йили давомида Сирдарё вилояти ИИБга раҳбарлик қилди.

Полковник Х. Давиров қайси лавозимда ишлагансин, ҳаммаша жамоанинг, ҳамкасбларининг ишончини, ҳурмат-эътиборини қозонди. Хизматда эришган ютуқлари учун муносиб тақдирланди, Республикада хизмат кўрсатган юрист фахрий унвонига сазовор бўлади. Хидир ака нафақага чиққач ҳам тиниб-тинчиб ўтиргани йўқ. У Самарқанд вилояти автохаваскорлар жамиятига етакчилик қилди. Умр йўлдоши билан биргалликда етти нафар фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшишди. Нева-раю чеваралари сеvimли боболари атрофида парвона бўлишарди.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини яқинлари, шогирдлари Х. Давировнинг қабрини зиёрат қилишиб, унинг муборак хотирасини, эзгу ишларини ёдга олишарди. Ҳа, қалбларга эзгулик уруғини эккан инсонларнинг иккинчи умри ҳам узоқ бўлади.

Дилбар САЛОХИДДИНОВА.
Самарқанд вилояти.

ЭЗГУЛИК УРУҒИ

Хидир Давиров ҳаёт бўлганида бу йил 89 ёшга тўларди

ҳамқишлоқлари уни армия сафига кузатишди...

1942 йилнинг кеч кузи. Х. Давиров куролдошлари билан ўрмон ичида пича нафас ростлагани чоғланиб туришган эди. Аммо қаёқда дейсиз. Осмонда душман самолётлари пайдо бўлди. Кўқдан бомбалар ёғилди. Хидир яраланганига қарамай жанговар бўлинмасига раҳбарлик қилишда давом этди. Ҳатто ўзи ҳам битта ганим самолётини уриб туширишга муваффақ бўлди. Кейинроқ Руминия, Польша,

ка вакили вазифасидан бошлади. Жангу жадалларда тобланган эмасми, хизмат фаолияти давомида ўзини пухта тайёргарликка эга, ҳар қандай вазиятда ҳам тез, тўғри қарор қабул қила оладиган, ҳалол, ғайрат-шижоатли, эзгу ниятли ходим сифатида намоён этди. Шунинг учун вақт ўтгани сайин амал пилла-пояларидан поғонама-поғона кўтарилди борди. Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи каби

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Хатирчининг Олтинсойини кўпчилик яхши билди. Кўм-кўк адирлар, турфа дов-дарактларга бурканган қишлоқ баҳорда янада яшнаб кетади. Табиатан қалби кенг, самимий ва меҳридарё инсон Маҳмасоли ака Тешаев ўзи тугилиб ўсган Олтинсойи билан мақтанишни хуш кўрарди. Хоҳ оила, хоҳ дўсту яқинлар давраси бўлсин, ўрни келганда: «Суви ширин, баҳаво, тупроғи тиллага тенг» дея гурурланиб кўяр, шу замин фарзанди эканидан фахрланарди. Инсоннинг феъл-атворида у тугилиб вояга етган жойнинг табиати намоён бўлади, дейишди. Эҳтимол ростдир. Хайрли ишлар билан ўзидан яхши ном, ёруғ хотира қолдириб кетган Маҳмасоли аканинг танти ва кенг феъллиги шу юрт, шу заминдан ўтган бўлса, ажаб эмас.

1980 йилда ички ишлар идоралари хизматида қабул қилинган М. Тешаев ўқиб-ўрганиш, касб сирларини чуқур эгаллашга ҳаракат қилди. Ўзига юклатилган ҳар бир топшириқни масъулият билан адо этиб, тез орада тилга тушди. Раҳбарлари ўз ишига пухта, талабчан ва шижоатли ходим сифатида қадрласа, ҳамкасблари унинг олижаноблиги ва барчага бирдек эътиборли, хушмуомала эканлигини эътироф этишарди. Айниқса, жиноят қидирув соҳасида ишлаган кезлари унинг юксак касбий маҳорати ва қобилияти тўла намоён бўлди. Бир қатор оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни фош этишда қатнашди. Намунали хизматлари учун бир неча бор қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Йиллар давомида тобланган ходим қайси лавозимда бўлмасин, сидқидилдан хизмат қилиб, машаққатларни меҳнат билан енгиб ўтди.

– Касб-корига меҳри баланд эди, ҳеч ўзларини аямасди, – дейди турмуш ўртоғи ҳақида гапираркан Адолат ая маҳзунлик билан. – Муолажалар наф бермагач, шифокорлар битта буйрагини олиб ташлашга қарор қилишди. Қайта-қайта жарроҳлик операциялари ўтказилди. Иродали инсон эдилар. Аммо соғлиги панд бергач, 1995 йилда касаллиги туфайли нафақага чиқишга мажбур бўлди.

... Ушанда кузнинг сўнгги кунлари эди. Бир аёлнинг уйдан тилла тақинчоқлари йўқолган. Ўғирликда гумон қилинган шахснинг Жиззах шаҳрига кетганлиги аниқланган, тезкор вакил М. Тешаев унинг изидан тушди. Ҳаво совуқ, айниқса, кечаси изгиридан янада кучаярди. Уч кечаю кундуз машинада ўтириб, гумондорни кузатди. Ниҳоят тўртинчи кун уни далилий ашёлар билан қўлга олишга муваффақ бўлди. Қимматбаҳо тақинчоқлар эгасига қайтарилди.

Бир гал собиқ раиснинг ўгли жиноят содир этиб, ҳуқуқ-тартибот идораларидан қочиб юрди. Унинг қаерда яширинганлигини аниқлаган М. Тешаев



туман марказидан анча олис бўлган чекка қишлоққа йўл олди. Эрта тонгда уйқудан уйғониб ҳовлига чиққан жиноятчи эшикда ички ишлар ходимини кўриб, довдираб қолди. Сўнг эса қочиб шайланди. Аммо кучли қўллар билагидан туггач, қочиб қутула олмаслигини сезди...

– Бундан анча йиллар олдин Маҳмасоли ака билан бирга ишлашимизга тўғри келган, – дейди у кишини яқиндан билган ҳамкасби, подполковник Р. Шарипов. – Жуда ташкилотчи, жонқуяр эдилар. Аввалига Самарқанд вилояти ички ишлар идораларида, жумладан, Оқтош шаҳар, сўнгра Хатирчи тумани ИИБда фаолият кўрсатди. Туман ички ишлар бўлими биноси атрофида ўзлари бош бўлиб дарахт кўчатлари ўтказдилар. Ҳозир ҳам ўша дарахтлар яшнаб турибди.

Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, бор билими, куч-ғайратини эл-юрт осойишталигига бахшида этган истеъфодаги майор М. Тешаев афсуски, ҳаётдан эрта кетди. Ҳамқишлоқлари у кишининг ободончилик, бунёдкорлик борасидаги ишларини ҳурмат билан эсладилар.

Кўпни кўрган кексаларимиз яхшилик, эзгулик ҳақида гапирганларидан «Яхшидан боғ қолади» деган нақлни тилга оладилар. Хатирчининг асл фарзанди Маҳмасоли Тешаевдан яхши ном, ёруғ хотира қолди. Худди ўзи каби самимий, эл қорига ярайдиган солиҳ фарзандлари, хайрли ишлари қолди.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.
Навоий вилояти.

БИЗ БИЛАН ЯШАЯПСИЗ, УСТОЗ!

Ўшанда Парда ака Жумаев Сирдарё вилояти ИИБ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари лавозимида ишларди. У жиноят қидирув хизматида келган ёшларни ўзи танлаб оларди. Беш-олти нафар йигитлар унинг суҳбатидан ўтдик. Йигитлар ичида мени танлаб олди. Эртасигаёқ жиноят содир этилган жойга бошлаб борди ва ҳаракатларимни кузатиб турди. Озгина ҳаяжонланганимни кўриб: «Дадил бўл, бутун диққат-эътиборингни йиғиб, ҳаракат қил», деди.



Шу тариқа Парда Жумаев билан бирга ишлаб бошладим. У киши нафақат вилоятда, балки республика мида ҳам энг тажрибали жиноят қидирув ходими сифатида тилга олинишининг сабабини йиллар давомида ёнма-ён хизмат қилиб билдим. Устозни кўпчилик жиноят қидирув хизмати учун туғилган дея таърифларди. Бу бежиз эмасди. Содир этилган жиноятни аниқлаш, айбдорни топиш учун қийналсақ устоздан маслаҳат олардик. У кишининг жуда ажойиб, ибратли хислатларидан бири кимдир хизмат юзасидан ёрдан сўраса, умидсиз қайтармаган.

Парда ака ёшларга меҳрибон, шу билан бирга, қаттиққўл инсон эди. Бир кун ички ишларнинг йиғиб суҳбатла-

шиб ўтириб, ёш йигитни ўрнидан тургазди ва:

– Нега маошингни уйингга олиб бормадинг? – дея саволга тутди.

Хаммаимиз ҳайрон қолдик. Ҳалиги йигит довдираб қолди.

– Сени шу ёшга етказган ота-онангдан пул яшираёсанми? Улардан пулингни қизғонсанг, қанақа фарзанд бўлдинг?

Йигитнинг ранги қизарди. Маълум бўлишича, устоз унинг уйига бориб, яшаш шароитини ўрганган. Ота-онаси билан суҳбатлашган экан.

Устознинг яна бир ажойиб хислати бор эди. Жиноят содир бўлган ёки жиноятчи яширинган жойга аввал ўзи борарди, ёшларни аярди.

Бахт шаҳрига ашаддий жиноятчини ушлаш учун бордик. Уни кўрганлар куролланган эканини айтишди. Парда ака бизни ташқарида қолдириб, бир ўзи хонадонга кириб борди. Ортдан бораётгандик. «Сизларга бир кор ҳол бўлмасин», дея қайтарди ва ичкарига кириб жиноятчини куролсизлантдириб, олиб чиқди.

Парда ака Жумаев жиноят кўчасига кириб қолганларни тўғри йўлга солиб, яхши ҳаёт кечириб кетишига ҳам сабабчи бўлганди. Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаётганда мени чақирди ва Гулистон шаҳридаги бир хонадонга бордик. Аниқроғи, уч марта судланиб ҳам кўзи очилмай яна жиноят қилиб, қамоқдан кечагина чиқиб келган йигитнинг уйи эди. Бизнинг, айниқса,

Парда аканинг ташрифини кўриб йигит ҳайрон бўлиб қолди. Ҳайдовчи бир халтада рўзгорга керакли масалликлар олиб киргандан кейин йиғлаб юборди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, уни ишга жойлаб қўйдик. Ўша йигит бошқа жиноятга қўл урмади. Оила қуриб, тинч-тотув яшаб кетди. Парда аканинг оламдан ўтганини эшитиб олдимга келиб: «Менга отадай бўлиб қолгандилар», дея роса йиғлади.

Устоз бошқа лавозимга ўтиб кетганларида биз шогирдлар бирор жиноят содир бўлса, уни фош этиш чоғида қийналиб қолсақ, у кишидан маслаҳат сўрардик.

Кўпларнинг устози, полковник Парда ака Жумаев ҳақида ҳар қанча илиқ гаплар айтилса оз деб ўйлайман. Парда акага пенсияга чиқиб, яшаш насиб этмади. Турган гап нафақада ҳам тинч ўтиролмасди. Чунки, у киши бекорчиликни ёмон кўрарди.

Устоз орамизда йўқ деганлар янглишади. У шогирдлари қалбида ҳамон яшаяпти.

Рустам КАМОЛИДДИНОВ,
истеъфодаги подполковник.

Сирдарё вилояти.

ФУТБОЛ

МУНОСИБ РАҚИБЛАР БЕЛЛАШУВИ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлимлари ва олий таълим муассасалари ходимлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Унда ўн бешта жамоа аъзолари ғолиблик учун тўп суришди.

Турнирда барча жамоа футболчилари бош соврин учун астойдил ҳаракат қилдилар. Айниқса, вазирлик ШТБХ, республика «Қуриқлаш» Бирлашмаси, ЁХББ ҳамда ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қуриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони жамоалари барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўланма олишди.

Мурасиз баҳсларга бой бўлган беллашуларда вазирлик ШТБХ ва республика «Қуриқлаш» Бирлашмаси жамоалари футболчилари мусобақанинг бронза медални қўлга киритиш учун тўп суришди. Қизиқарли кечган учрашув 5:0 ҳисобида ШТБХ футболчилари фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи финал баҳсларини ҳаяжон билан кузатаётган мухлислар ажойиб футбол ўйинининг гувоҳи бўлишди. ИИВ ЁХББ ҳамда ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қуриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони вакиллари ғолиблик учун майдонга тушдилар.



Ғолиб жамоа.



Кани, ким эгчилроқ?

Дастлаб, АМБ футболчилари ташаббусни уз қўлига олишди. Учрашувнинг 25-дақиқасида ҳисоб очилди. Лейтенант С. Эсанов (ППХ ва ЖТСББ АМБ) жарима майдончаси ичида яхши ҳаракат қилиб, рақиб дарвозасини ишғол қилди — 1:0.

Танаффусдан сўнг ўт ўчирувчилар ҳужумга зўр беришди. Бироқ рақиблар аниқ ҳаракат қилишди ва катта сержант Ш. Муҳаммедов ҳисобни 2:0 га етказди. Ўйин тамом бўлишига ўн

дақиқа қолганида сафдор Б. Ганиев бурчадан узатиб берилган тўпни боши билан ажойиб тарзда дарвозага йўллади ва жамоасининг ғалабасини янада мустаҳкамлади — 3:0.

— Гувоҳи бўлганингиздек, беллашулар қизиқарли ўтди, — дей-

— Тўғриси, ғалаба қозонишимизга ишонардик, — дейди ППХ ва ЖТСББ АМБ жамоаси сардори, лейтенант С. Эсанов — Учрашувда ҳимояни унутмаган ҳолда ҳужумкор ўйин намойиш қилганимиз қўл келди. Рақиблар ҳам бизга муносиб қаршилиқ кўрсатишди. Менимча, уюшқоқлик кўрсатганимиз ғалаба қозонишимизда бош омил бўлди.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимини республика ИИВ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, полковник З. Неъматов кириш сўзи билан очиб, футболчиларни вазирлик раҳбарияти номидан қизгин табриклади ва ғолиб жамоаларга фахрий ёрлик ҳамда дипломлар топширди. Шунингдек, номинациялар бўйича «Энг яхши дарвозабон» кичик сержант Ш. Исроилов (ППХ ва ЖТСББ АМБ), «Энг яхши ҳимоячи» подполковник А. Усмонов (ШТБХ), «Энг

ди республика ИИВ ШТБХ касбий тайёргарлик ва шахсий таркибдан тест синовларини қабул қилиш бўлими бошлиғи, подполковник А. Сулаймонов. — Барча жамоа аъзолари мусобақага алоҳида тайёргарлик курганликларини намойиш этишди. Қувонарлиси, спортчиларимизда футбол техникаси ва тактикаси юксалмоқда. Бу яхши, албатта.

— Биздан биров омад юз угирди, — дейди ЁХББ жамоаси ўйинчиси, подполковник И. Шарипов. — Рақибларнинг ҳужум чизиғи кучли эканини тан олиш керак. Имкониятни бой берганимиздан хафа эмасмиз. Мусобақанинг кумуш медаллари совриндори бўлиш ҳам катта бахт.



Ҳаяжонли лаҳзалар.

яхши ҳужумчи» катта лейтенант С. Пачурин (ЖИЭББ), «Энг кўп тўпурар ўйинчи» майор Н. Юнусов (ШТБХ) аниқланди. «Ғалабага бўлган иштиёқ учун» номинацияси бўйича «Қуриқлаш» Бирлашмаси жамоаси тақдирланди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» муҳбири.
Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ҚЎЛ ЖАНГИ

КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» ЖТСБЖ томонидан Нукус шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб спортнинг қўл жанги тури бўйича чемпионат ўтказилди.

Мусобақада шимолий-ғарбий ҳарбий округи, Қорақалпоғистон Республикаси МХХ, Нукус Давлат педагогика институти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ марказий аппарати ва ҳудудий жиҳатдан ғолиб бўлган Беруний, Тахиятош, Тахтақу пир ва Қўнғирот туманлари ИИБ жамоалари қатнашди. Спортчилар етти вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ марказий аппарати вакилларида Берик Жусипбеков (85 кг.), Ахмет Мадреймов (+85 кг.) ўз вазн тоифасида ғолиб бўлишди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари Ерполат Бегайдаров, Илҳам Султанов, Султан Алланазаров, Бахтиёр Юсупов, Бахтиёр Палуаниязов, Арисланбай Ережеповлар совриндорлар сафидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси МХХ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ марказий аппарати ҳамда Нукус Давлат педагогика институти жамоасига насиб этди.

Ғолиб жамоалар ва спортчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

А. ЖИЕМУРАТОВ,
капитан.

Қорақалпоғистон Республикаси.

Табриклаймиз!

Истеъфодаги полковник **Холдор ШЕРОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Меҳрибон отақонимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, яна кўп йиллар бардам, бақувват бўлиб фарзандлари, шогирдлари камолини кўриб, роҳатда яшаб, давраимизни тўлдириб юришини тилаймиз.

Эҳтиром ила турмуш ўртоғи, фарзандлари ва неваралари.

Республика ИИВ Ахборот маркази бўлим бошлиғи, майор **Умид ЮСУПОВ**ни 15 май — таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Эрта тонг хизматга, кеч оқшом оиласига интиладиган фидойи инсонлар қаторида эҳтиромимизни қабул қилинг. Фарзандларингиз Сизга фақат роҳат-фароғат бахш этсин. Узоқ йиллар саломатлик, омад ҳаммиша сиз билан бирга бўлишини тилаб қоламиз.

Эҳтиром ила

Ахборот маркази шахсий таркиби ва оила аъзолари.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қуриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Куролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.


Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

«ҲИКМАТЛИ КРОССВОРД»



Азиз муштарийлар! Ёй шаклидаги ушбу кроссворднинг тик қаторларига маънолари куйида баён этилган йигирмата беш ҳарfli сўзларни тартиб билан ёзиб чиқинг:

1. «Олтин косада тошиб турар, дала ҳуснин очиб турар» (топишмоқ). 2. Ҳар қандай ишни бажариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият. 3. Одамнинг туғилиб ўсган жойи, она юрт. 4. Ёдгорлик. 5. Палов масаллиқларидан бири. 6. Дунай дарёсининг ўнг ирмоғи. 7. Таниқли ўзбек шоираси Нодира бегим яшаб ижод қилган шаҳар. 8. Спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. 9. Мусулмон дини. 10. Машҳур ўзбек адиби, «Навойи» романининг муаллифи. 11. Оммавий ахборот воситаларидан бири. 12. Отнинг энг яхши зоти. 13. Форма кийим елкасига тақиладиган унвон белгиси. 14. Қовун нави. 15. Табиатни гул-чечакларга буркайдиган фасл. 16. Финляндиядаги қўл. 17. Топишмоқ: «Бир коп ун, ичида устун». 18. Ўсиб турган ўт-ўлан. 19. Детектив адабиёт бувисининг исми. 20. Ширинлик.

Агар жавоб сўзларнинг ҳаммаси тўғри топиб ёзилган бўлса, шаклнинг куюқ чизиқлар орасидаги ўрта ёйида инсоннинг муҳим олижаноб хислати ҳақидаги ҳикматли сўзларни ўқийсиз.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

ТУРМУШ ЧОРАҲАЛАРИДА

(Охири. Боши ўтган сонда).

Орадан бир ярим ойлар ўтгач, Раззоқнинг газаб ва аламга лиммо-лим мактубига кўз югуртираркан, беихтиёр ишшайиб юборди. «...Сабоҳатни шабнамга чайилган гунча деб ўйлардим. Унга бўлган муҳаббатим худдики ўша шабнам янглиг эди. Афсус, алданибман. Энди Сабоҳат мен учун ўлган. Унга ҳам шундай деб хат ёзиб юбордим...» дея ёзган Раззоқ.

Раззоқ кейинги мактубида қишлоққа қайтмоқчи эмаслигини, ҳарбийда қолиб, хизматни давом эттирмоқчи эканлигини баён қилди.

Ифвогарлик жавобсиз қолмас экан. Ҳовли этагидаги теракни кесишайтганда тепадаги шох узилиб, Шарифнинг нақ кўзига тушса бўладими! Оқ-воҳ билан шифохонага югурди, аммо бир кўзидан ажралиб қолди. Лекин ҳануз тавба қилишни ҳаёлига келтирмасди у. Одамлар наздида жозибасини йўқотган Сабоҳатга қайтадан совчи қўйиш ниятидан воз кечмаганди. Бу нияти ҳам саробга айланди. Сабоҳат тўсатдан вафот этди. Шариф тобутнинг бир томонини кўтариб бораётганида ёлғиз кўзидан оқайтган ёшни ҳеч тўхтатолмасди.

Орадан йиллар ўтди. Соқсоқоли мош-гуруч бўлганда Раззоқ қайтиб келибди, деган хабарни эшитди. Болаликдан қадрдон бўлиб қолган, аммо кейинчалик қадами тийилган ҳовлига яқинлашди. Ичкари эрқагу хотин-халажлар билан гавжум эди... Кучоқлашиб олган икки дўстнинг азамат елкалари силкиниб-силкиниб тушарди. Ўтмишда қолган болалик қайтиб келган, соғинч, орзу ва армонлар яна туташганди, гўё.

Ниҳоят, Раззоқ нарироқда — аёллар орасида бошқаларга

унчалик қушила олмай турган, ўқтин-ўқтин шу томонга қараб-қараб қуяётган аёлни имлаб қақирди.

— Онаси, сенга айтган Шариф дўстим мана шу! — деди оғзини тўлдириб.

Шариф ийманибгина салом берган аёлга шунчаки разм солди. Раззоқ уйланибди, деб эшитгани бор эди унинг. Аёл хушрўйгина экан. Хусн бобида раҳматли Сабоҳатдан устун бўлса устунки, асло кам эмас экан.

Шу кунни улар тонготаргача

корона одимлаётган Шариф кулиб сўради:

- Қаёққа борамиз?
- Қабристонга!

Шарифнинг юраги шув этиб кетди.

Оппоқ қилиб бўялган саяналарни оралаб, ёғоч панжара билан ўралган қабрга яқинлашганларида Раззоқнинг кўз ёшлари дувиллаб тўкилди.

Шунча йил мусофирчиликда юрган бўлса-да, эсидан чиқармаган экан.

- Жойинг жаннатда бўлсин, гулим, — дея пичирлади ўпкаси тўлиб. Кейин тиз чўккан ҳолатда узоқ ўтирди.

фаргидек Сабоҳатнинг қабри устида маҳзун ўтирган Раззоқни кўрди. Бу сафар унга яқинлашишга юраги дов бермади.

Синамоқ учун эртаси кунни ҳам дўстидан хабар олди. Раззоқ яна Сабоҳат билан «бирга эди». Шундагина у дўстининг қалбидаги муҳаббатнинг нақадар кучли эканлигини ҳис қилгандай бўлди...

... Улимига яқин қолганда Раззоқ бува яна дўстини йўқлатди. Ёнига — икки қават қилиб тўшалган кўрпачага ундади. Кейин бири кириб, бошқаси чиқайтган болаларидан уларни безовта қилмасликларини сўради.

— Куним битган кўринади, Шариф, — деди синиқ овозда. — Насиб этса, яқин кунларда Сабоҳатнинг хузурига бораман. Айтмоқчи, сен ҳам уни яхши кўрадинг-а?

Шариф буванинг бутун вужуди дағ-дағ титраб кетди. — Мени кечир, дўстим, олдинда гуноҳқорман!..

Бемор бас, етар дегандек кафтини очиб кўтарди. Сунгра оппоқ соқолларини тутамлаганча индамай қолди.

— Нимаики ўтган бўлса, ҳаммасидан хабарим бор, — деди ниҳоят шифтга тикилган кўйи. — Мен ҳам гуноҳдан фориг эмасман. Бўхтонларга дуч келганда Сабоҳатни ҳимоя этолмадим, унинг поклигига шубҳа қилдим. Биламан, унга ёзган таъналарим юрагини нимта-нимта қилиб ташлаган. У эса нимталанган юрак билан узоқ яшолмади. Менинг гуноҳларим ҳам сеникидан кам эмас.

Шу гапларни айтаётганда Шариф буванинг кўзида тубсиз изтироб зоҳир эди:

— Мана, ўша Сабоҳат, атлас рўмолчани ўз қўллари билан тўқиб, отангизга совға қилганди, — деди чуқур «ух» тортиб.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

СИРЛИ САВАДЖҶА



«отамлашишди». Соғинч порлаган нигоҳларга уйку умуман яқин йўламади. Қизиги шундаки, Сабоҳат деган ном бирор марта ҳам тилга олинмади. Демак, Раззоқ уни бутунлай юрагидан учираиб юборганлиги ростга ўхшайди.

Эртаси кунни Раззоқ уни бир четга бошлаб, оҳиста шивирлади:

— Юр, бир қишлоқни айланиб келамиз.

Дўстининг ортидан итоат-

Шариф шу ернинг узидаёқ хиёнатини бўйнига олиб, уэр сўрамоқчи бўлди. Лекин журъати етмади.

— Юр, кетайлик энди, — дея олди холос.

Яна бир кун дўстини сўроқлаб борса, хотини чиқди.

— Уртогингиз қишлоқни роса соғиниб қолган экан, ҳар тонгда айлангани чиқиб кетади, — деди кулиб.

Шариф қабристон ёнидан ўтаётганда худди олдинги са-

ОГОҲ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ ГРИПП!

БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Мексика аҳолиси орасида «чўчка гриппи» вируси тарқалгани ва гриппнинг бу янги тури АҚШ, Европа ҳамда Осиёнинг айрим давлатларида, аникроги 20дан ортиқ мамлакатдаги одамларда қайд этилганлиги ҳақида маълумотлар эълон қилинди.

Ушбу юқумли грипп вирусининг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз миқёсида, жумладан, ички ишлар вазирлиги тизимида бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари, ички ишлар идоралари шахсий таркиби, таълим муассасалари курсант ва тингловчилари, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ва махсус контингент орасида профилактик тадбирлар олиб бориш мақсадида ИИБ СЭНБМ мутахассислари томонидан тезкор семинар-тренинглар ташкиллаштирилди. Шунингдек, етарли миқдорда плакат ва лифлет шаклидаги эслатмалар тайёр-

ларидан иборат гибрид вирус (H1N1) бўлиб, у ҳаво-томчи йули билан (йўталганда, аксирганда ва сўзлашганда), маиший мулоқот йули билан (қўл ушлашганда, умумий идиш-товоқлардан ва гигиеник воситалардан фойдаланилганда) юқиши мумкин. Лекин чўчка гўшти истеъмол қилинганда юкмайди. Касалликнинг яширин даври одамларда учрайдиган оддий грипп касаллигининг яширин давридан фарқ қилмайди. Чўчка гриппи вирусининг одамдан одамга юқиши мумкинлиги биринчи марта таъкидланмоқда. Бу ҳолат эса касалликнинг глобал эпидемияга олиб келиши мумкин деган хавотирга сабаб бўлмоқда.

«Чўчка гриппи» и юққан одамда тана ҳаро-

ратининг кўтарилиши, бошда, мушаклар ва томоқда оғриқлар бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда токсик пневмония (зотилжам) каби асоратлар кўплаб кузатилиши ва оқибатда ушбу асорат сабабли касаллик ўлим билан тугаши мумкин. Касалликка чалинган беморларда клиник белгиларига қараб симптоматик даво чоралари ўтказилади. Агар одам гриппнинг олдини олишда қўлланиладиган вакцина билан соғлом одам эмланса, ушбу касаллик бир мунча энгил кечиши мумкин деган маълумотлар мавжуд.

Булардан ташқари, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, иқлимга мос равишда кийиниш, очиқ ҳавода сайр қилиш, тўғри ва сифатли овқатланиш ҳамда шамоллаш, тумов аломатлари кузатилганда дарҳол шифокорга учрашиш ушбу касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Зайниддин ҚОДИРОВ, ИИБ СЭНБМ бошлиғи, подполковник.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник
Баҳром ота МИРЗОХИДОВнинг вафот этгани муносабати билан маҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги капитан
Боранбай САНДИЕВнинг вафот этганлиги сабабли маҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор
Ермеқбай ЕМБЕРГЕНОВнинг вафот этганлиги сабабли маҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан Жаҳонгир Шухратович ЮЛДАШЕВ бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1993 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Беруний кўчаси, 16-уй, 28-хонадонда яшаган. 2008 йилнинг 24 август кунни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи сариқ, қошлари қалин, қора, кўзлари кўк, лаблари, қулоқлари, бурни ўртача катталиқда.

Кийимлари: оқ шортик, футболка, қора шиппакда бўлган.

Ж. Юлдашевни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 14 март кунни Зангиота тумани «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналидан тахминан 55-60 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи қора.

Кийимлари: қора энги узун кўйлак, кулранг энги узун жемпер, қора пайпоқда бўлган.

2005 йилнинг 12 февраль кунни Зангиота тумани «Ўртаовул» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Зангиота» ширкат хўжалиги ҳудудидан тахминан 55-60 ёшлардаги, Европа миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 165 см, сочига оқ оралаган, лаблари қалин.

Кийимлари: жигарранг шим, кулранг футболка, жигарранг пайпоқда бўлган.

2005 йилнинг 24 сентябрь кунни Зангиота тумани «Туқимачи» ширкат хўжалиги Бобур кўчасида жойлашган рақамсиз уйдан тахминан 55-60 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 170 см, бурни катта, сочига оқ оралаган, лаблари қалин.

Кийимлари: жигарранг шим, сариқ энги узун кўйлак, жигарранг резина шиппакда бўлган.

2005 йилнинг 11 ноябрь кунни Зангиота тумани «Ўзгариш» қишлоқ фуқаролар йиғини, Наврўз кўчасида тахминан 45-50 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 170 см, бурни катта, сочига оқ оралаган, лаблари қалин.

Кийимлари: жигарранг шим, кулранг футболка, жигарранг пайпоқда бўлган.

2005 йилнинг 24 октябрь кунни Зангиота тумани «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Бўзсув каналидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, қиррабурун, сочи қора, лаблари қалин.

Кийимлари: қора шим, яшил кўйлак, оқ майка, қора туфлида бўлган.

Юқоридаги шахси номаълум кимсаларни таниган, улар ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Зангиота тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

МУҚАДДАС ХОТИРА

Элим деб ўт-олов кечганлар ҳаққи,
Ўтганлар руҳини бир зум ёд этинг!
Юртим деб жонидан кечганлар ҳаққи,
Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг!

Кимлар бу кунларга етолмай кетди,
Бир сулув қиз қўлин туюлмади кетди.
Кимлар юртга фидо айлаб жонини,
Хатто ўттиздан ҳам ўтолмай кетди.

Кўкни забт этмаган бургут бургутмас,
Ватанни севмаган йигит йигитмас.
Токи она юрт бор, жонажон халқ бор,
Ватан ўғлонларин асло унутмас!

Қалблардан ўчмагай ўтганлар ёди,
Оналар кўз ёши, аччиқ фарёди.
Ҳар кун кўкда қуёш бўлиб порлагай —
Ватанга бахшида мардлар ҳаёти.

Хотира муқаддас, хотира азиз,
Яхшиларни эслаш нақадар лазиз!
То дунёда меҳру оқибат бордир,
Чин инсонлар номи ўчмагай ҳаргиз!

Зикрилла НЕЪМАТ.

СИЗДАН МЕРОС ҚОЛДИ...

(Генерал-майор Шуҳрат Ниёзов хотирасига)

Замин саҳнида кўп ечимсиз савол,
Завқланиб ўйнадик, яшадик ҳалол.
Лек сўнги манзилга борар шоҳ-гадо,
Машҳар кунигача, устоз, алвидо!

Бу хабар кўпларни қаддин этди дол,
Ҳануз ишонмайди, юрак қарахт, лол.
Кўзга ёш қуюлиб бўлмайди адо.
Машҳар кунигача энди алвидо!

Сиздан мерос қолди қанча ўғитлар,
Унга амал қилар зобит йигитлар.
Олтмиш баҳорни ҳам кўрмади хатто,
Шуҳрат Ниёз ўғли, энди алвидо!

Начора, ўлим ҳақ, бошга бир ўлим,
Бошқа ёзолмайман, титрайди қўлим.
Ўтганларни эслаб, қилайлик дуо,
Машҳар кунигача, устоз, алвидо!

Мирхон МИРАХМЕДОВ,
истеъфодаги подполковник.

ТУЛПОР МИНГАН ОНЛАР СОҒИНЧИ

Ерга урса кўкка сапчиган,
Тулпор миниб сомон янчиган,
Товонига тикан санчилган
Болалигин эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл.

— Тўйимга, — деб тўйлик олганин,
— Уйимга, — деб эшик олганин,
— Ўғлимга, — деб бешик олганин,
Чақмоқ даврин эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл.

Ўндан ошди ўғил-қизлари,
Уй тўлдирди набиралари,
Буви бўлди севган дилбари,
Хуш дамларин эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл.

Оқ сут берган она меҳрини,
Дуо қилган ота меҳрини,
Оға-ини, жигар меҳрини,
Кўмсаб-кўмсаб эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл.

Ўзгал эди дўстлар давраси,
Ширин энди хатто ғалваси,
Тарозининг бўш бир палласи,
Дўстларини эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл.

Шундай экан инсон тақдири,
Ўтиб кетди бир зумда бари,
Ёнида йўқ бугун кампири,
Кампирини эслайди бир чол,
Тол тагида жим суриб хаёл...

Бекмурод УСМОНОВ.



2004 йил март ойида Тошкент шаҳрининг «Чорсу» бозори ҳудудида содир этилган террорчилик ҳаракати чоғида мардларча ҳалок бўлган Шайхонтоҳур тумани ИИБ маҳаллий пост-патруль отрядининг бўлишма командири, катта сержант Қодир Раҳмонов ҳақидаги хотиралик.



«ЧИРОҒИНГИЗ ЎЧМАГАЙ АСЛО»

Феруза РАҲМО-
НОВА (марҳум
Қодир РАҲМОНОВ-
нинг умр йўдоши):

«Қодир ака, нақадар беозор, ширинсухан инсон эдингиз. Салкам йигирма йил бирга турмуш кечирдик-у, эр бўлиб мени, ота бўлиб фарзандларингизни бирор марта бўлса-да жеркиб койимадигиз. Хатто чумолига ҳам озор беришни истамасдингиз. Ҳар куни ҳали тонг ёришмасидан турардингиз, иш вақтига қадар ҳовлида рўзгор юмушларини бажарар эдингиз. Эрта туришда хосият кўп, дердингиз. Мана, беш йилдирки, овқат маҳали дастурхоннинг тўри бўш туради, лагандаги ошнинг уша чеккасига қўл тегмайди. Гуё сиз ҳозир худди илгаригидек шошиб кириб келасизу, ҳазил-мутойиба билан

овқат тановул қилишга тутинасиз, деб хаёл қиламан...

Фарзандларимизнинг буй-басти кун сайин чўзилаётганини кўриб шодланман, буни сизга айтгим келади. Шунда ёнимда йўқлигингиздан, уларнинг камолини кўролмаганингиздан ўксиниб кетаман. Тогдай таянчим эдингиз. Мени, болаларни жонингиздан ортиқ кўрардингиз. Уларни яхши тарбиялаганингиз, учови ҳам эслихушли, инсофли бўлиб вояга етгани учун сиздан бир умр қарздорман. Сизни бу ёруғ дунёда қайтиб кўролмаслигимни ўйласам, яшашимдан маъно қолмагандек туюлади. Шундай кезлари фарзандларимиз ҳақидаги маҳал-ладошларнинг, ўқитувчиларнинг мақтовини эшитсам яна кўнглим тоғдек кўтарилди.

Мана, Гулчеҳрамизнинг ҳам бўйи етиб қолди.

Уйимиздан совчиларнинг кети узилмапти. Эрта бир кун тенгини топиб узатсам, ота уйини тарк этаётганида, сизнинг ўрнингизда ким унга оқ фотиҳа беради, қизимизнинг кўнгли ўксимасмикин деб юрагим эзилади. Эҳ, чархи кажрафтнинг ишини қаранг... Айтганча, қизимиз эгнига ички ишлар идораси ходими либосини кийди, ишингизни давом эттираяпти. Ҳожиакбар ҳам изингиздан бориб, осойишталик посбони бўлмоқчи, Жаҳонгир эса аллақачон йўлини топиб олди. Согинч юрак-бағримни ўртаганида уларга тикиламан. Гулчеҳрамнинг табассуми, Жаҳонгирнинг кўзу қоши, Ҳожиакбарнинг шўх-шўҳ ҳазиллари худди ўзингизга ўхшайди. Уларга қараб сизни кўргандек бўламан, кўнглим таскин топади. Фарзандларингиз

ҳамиша сиз билан фахрланишади. Ҳали туғила-жак неварачевараларингиз ҳам сизнинг хотирангизни қалбларига жо қилгай. Ҳа, Қодир ака, чироғингиз ўчмаган, бундан кейин ҳам ўчмагай, иншооллоҳ!»

Ҳасан РАҲМАТУЛ-
ЛАЕВ (Шайхонтоҳур
тумани ИИБ маҳаллий
пост-патруль отряди
бўлишма командири):

«Ҳар тонг хизмат юзасидан «Чорсу» бозори расаларини кезиб юрар эканман, ортимдан кимдир тез-тез қадам босиб келаётгандек туюлади. Қодир ака, шекилли, деб ўгириламман-у... Устоз, боқий дунёга рихлат қилганингизга беш йил бўлибди. Бироқ ҳамон оламдан ўтганингизга кўниқолмайман, ишоналмайман. Адабиётни жуда-жуда севар эдингиз. Ўзингиз ҳам унча-мунча шеър

масқ қилиб турардингиз. Бир шеърингизда «Мен ўлимдан эмас, изсиз йўқолишдан қўрқаман», деб ёзган эдингиз. Сиз кўрқамасангиз ҳам бўларкан. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, «Чорсу»да савдо қилувчилар ҳамон сизни эслаб туришади, мендан фарзандларингиз ҳақида сўрашади. Шунда бир гапингиз ёдимга тушади. «Ҳасан, эртага бизни эслайдиганлар, сўнги йўлга кузатадиганлар атрофимиздаги мана шу одамлар. Уларсиз биз ҳеч киммиз», дердингиз. Айтганингиз рост экан, устоз. Ўша куни сизни сўнги йўлга кузатишга чиққанлар, тобуткашлар шунчалик кўп эдики...

Сиз нисбатан қисқа умрингизда одамлар кўнглидан жой олиб улгурган экансиз. Бугун сиз ўтирган хизмат хонасида ўтирибман, сизнинг вазифангизни бажараяпман. Кўрганлар: «Қодир аканинг укасимисан ёки ўғлимисан», деб сўрашди. Ўзингиз ҳам айтар эдингиз-ку:

«Бўйчанлигини айтмаганда худди укамга ўхшайсан», деб. Расталар оралаб юрар эканман, бир аёлга берган ёрдмингиз, қайсидир болага қилган насиҳатларингиз

ёдимга тушади. Умр топишлари йўқотишлардан иборат экан. Айрим йўқотган нарсаларинг ўрнини топган нарсанг босаркан. Аммо ўзинг учун азиз бўлган инсонингни йўқотсанг, ўрни тўлмасан. Ўша машғум тонг ҳамон ёдимда. Мудҳиш порлашдан сал олдинроқ: «Эртага Очилнинг туғилган куни. Мана бу пулга тўн ва дўппи олиб совға қилинлар», деб пул тутқазганингиз хотирамда муҳрлиниб қолган.

Ҳа, сиз ҳамиша бошқаларнинг ташвиши билан яшар эдингиз. Сизни сўнги йўлга кузатганимиздан кейин орадан бир неча кун ўтгач, негадир қабрингиз бошига боргим келаверди. Борсам, бир ўсмир қабр тепасида йиғлаб турибди. Уни дарҳол танидим. Кам таъминланган оиладан бўлган бу соқов йигитчага кийим-кечак олиб бериб, уни бир новвойга шогирдликка берган эдингиз. У мени кўриб, кўйлагининг кўкрак чўнтагидан сизнинг суратингизни чиқариб кўрсатди. Кейин нималандир норози қиёфада қабристондан чиқиб кетди. Менимча, бу ҳаракати билан бешафқат тақдирга исёнини ифода-ламоқчи эди. Илойим охирагингиз обод бўлсин, маконингиз нурга тўлсин, устоз...»

Хотираларни Гули НИГОР оққа кўчирди.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
IV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib — **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi — **Umida BOLLIYEVA**

Sahifalovchi — **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi — **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.

E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»-dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxon
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7369. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 56772 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.